

**БАЧАДОН БЎЙНИ САРАТОННИНГ РЕЦИДИВИ ТАШХИСОТИДА
МАГНИТ РЕЗОНАНС ТОМОГРАФИЯНИНГ РОЛИ.**

Тошкент тиббиёт академияси Тиббий радиология

кафедраси мудири т.ф.н. **Исмоилова М.Х.**,

Тошкент тиббиёт академияси Тиббий радиология

кафедраси магистранти **Икромова З.А.**

e-mail: zulayhoikramova@gmail.com; тел: +998901104017

**THE ROLE OF MAGNETIC RESONANCE IMAGING IN DIAGNOSIS
RECURRENCE OF CERVICAL CANCER.**

Head of the Department of Medical Radiology,

Tashkent Medical Academy

PhD Ismailova M.Kh.,

Master student of the Department of Medical Radiology

of the Tashkent Medical Academy

Ikramova Z.A

Summary. The main goal of the study was to assess the role of magnetic resonance imaging in the patients with recurrence of cervical cancer. Cervical cancer (CC) is the 3rd common gynecological cancer in women malignancies. Cervical cancer is important cause of mortality in women cancer deaths (9%). 24 patients suspected for cervical cancer (CC) were examined using 1,5 T high-field magnetic resonance scanner with head coil. The role of MRI in diagnostics of cervical cancer at early stage is ambiguous and demands further studying. Application of these modalities in complex (multiparametric-MRI) could improve the accuracy of MRI diagnostics of cervical cancer, of its advanced growth and of disease recurrence after treatment.

Тадқиқотнинг мақсади. Бачадон бўйни саратони (ББС) аниқланган ва нур-кимё терапияси олган беморлар диспансер назоратида МРТ нинг ролини аниқлаш ҳамда чанок соҳасидаги ББС рецидивининг МР-картинасини тасвирлаш.

Материал ва методлари. Тадқиқотда Республика Онкология ва радиология илмий амалий марказида 2019-2020 йилларда диспансер назоратида бўлган 28 та бемор натижалари олинди. Кузатувлар даволанишдан кейинги 1-йилда ҳар 3 ойда 1 марта, кейинчалик ҳар 6 ойда 1 марта олиб борилди. Чанок аъзолари МРТси даволаш тугаллангандан кейин 96,4% (n=27) та беморда ўтказилди. Аниқланган рецидивлар барча ҳолларда гистологик текширувлар билан тасдиқланган. Тадқиқотлар Magnetom Espree 1,5 Т ускунасида ўтказилди. T1, T2, МР-урография режимларини ўз ичига олган чанокнинг стандарт протоколидан фойдаланилди.

Натижалар. ББС рецидиви 39,3 % (n=11) беморларда кузатилди, чаноқ соҳасидаги ёки парааортал лимфа тугунларига мезастазлар 81,8% (n=9) беморларда аниқланди, алоҳида метастазлар 18,2% (n=2) беморларда аниқланди: 1 ҳолатда жигарнинг метастатик зарарланиши аниқланди (УТТ ва КТ маълумотлари билан тасдиқланди), 1 ҳолатда ўпкалардаги солитар метастазлар аниқланди (рентгенологик текширувлар билан тасдиқланди). Чаноқ соҳасидаги рецидивлар 9 та беморда аниқланди, шундан 1 та беморда УТТ, 1 та беморда физикал текширувларда аниқланди, 7 та беморда рецидивни тасдиқлаш учун МРТ текширувига зарурат туғилди. Шундай қилиб кўпчилик беморларда ББС рецидивини тасдиқлаш учун МРТ текшируви талаб қилинди. Марказий рецидивларда бачадон бўйни саратонининг маҳаллий қайталаниши устунлик қилди. Тарқалган рецидивларда (n=6) 54% ҳолатда марказий рецидив ва чаноқ ҳамда парааортал лимфа тугунларнинг метастатик зарарланиши кузатилган. Динамик контрастли кучайтириш йўли билан спецификликни 67% гача ошириш имконини берди.

Хулосалар

Чаноқ соҳаси МРТ текшируви чаноқ ва қорин орти лимфа тугунлари соҳасидаги рецидивларни ташҳисотида энг самарадор усуллардан биридир ҳамда диспансер назоратидаги ББС аниқлаган беморларни кимё ва нур терапиясидан кейинги кузатувлар таркибига киитиш мумкин.

Кимё ва нур терапиясидан кейинги ББС рецидиви МРТ- картинаси полиморфизм, чаноқ соҳасидаги ўсма жараёнларининг тарқалганлик даражасини баҳолаш ва марказий, латерал ва парааортал рецидивларни клиник таснифга мослаб ажратиш имконини беради.

Нур ва кимё терапияси ўтказилгандан кейин марказий ва парааортал лимфа тугунларига нисбатан энг кўп чаноқ соҳасининг латерал соҳаси лимфа тугунлари рецидиви қайд этилган.

Адабиётлар

1. Злокачественные новообразования (заболеваемость и смертность). Под ред. В.И. Чиссо-ва, В.В. Старинского, Г.В. Петровой. М.: МНИОИ им. П.А. Герцена, 2010.
2. Бохман Я.В. Руководство по онкогине-кологии. СПб.: Фолиант, 2002.
4. Березовская Т.П., Дьячков А.А., Валько-ва В.Н. Магнитно-резонансная томография при опухолях матки и придатков. Ар-хангельск, 2002.
5. Walsh J.W. Computed tomography of the pelvis. NY: Churchill Livingstone, 1985.3. Burke T.W., Hoskins W.J., Heller P.B. et al. Clinical patterns of tumor recurrence after radical hysterectomy in stage IB cervical carcinoma. Obstet Gynecol 1987;69:382–5.